2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

26 (628)

2008 йил 25 июнь

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ Соғлом рақобат — сифат гарови

▶ Ифтихорнинг посбони ишончли

3 ▶ Юрт ободлиги — юртдошлар юмуши

▶ Оғуфурушларнинг охирги «манзили»

4 ▶ «Тўрт оёқли» хўжайин...

▶ Тилни суғуришни ким эплайди?

Қорақалпоғистон Республикаси

ЭЛЛИККҚАЛЪА ТАЖРИБАСИ ОММАЛАШМОҚДА

Элликқалъа туманида «Маҳалла» жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими, туман (шаҳар) бўлинмалари раҳбарлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари ва фаоллари иштирокида тумандаги Элликқалъа маҳалласининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, ёшларни касб-ҳунар ўрганишга кенг жалб этиш борасидаги тажрибасини ўрганишга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг қўмиталари, «Маҳалла» жамғармаси, хотин-қизлар қўмиталари вакиллари ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятидаги долзарб масалалар хусусида сўз юритдилар. Семинар иштирокчилари Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш, йиғинлар ҳузуридаги яраштириш комиссиялари, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларининг иш фаолияти хусусида атрофлича фикр алмашиш имкониятига эга бўлишди.

Шунингдек, маҳаллалардаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари раислари ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг аёлларнинг иш билан бандлигини таъминлаш юзасидан «Ёшлар йили» Давлат дастури асосида амалга ошираётган ишлари ҳақида сўз борди.

Маълумки, айни кунларда жойларда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда маслаҳатчилари сайловига пухта ҳозирлик кўриляпти. Элликқалъа туманида ҳам бу борада амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Йиғилишда мазкур жараёнда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар юзасидан фикр алмашилди.

Тадбирда Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов ҳамда Элликқалъа тумани ҳокими Н.Худойбергановлар иштирок этди.

Асил БЕК,
«Mahalla» мухбири.

Наманган вилояти

Наманган муҳандислик-педагогика институти қошидаги лицей-интернат 2001 йили «Дўстлик» академик-лицейига айлантирилди. Корея давлати кредити асосида жиҳозланган мазкур лицейда 1207 нафар ўқувчи ижтимоий-гуманитар, хорижий филология, аниқ ва табиий фанлар йўналиши бўйича таълим олмоқда. Уларга 83 нафар профессор-ўқитувчилар жамоаси сабоқ беради.

Билим даргоҳида ўқувчилар учун ҳамма шарт-шароит мавжуд. 22 минг нусха китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази, муҳташам спорт зали, 7 та лингафон, 2 та компьютер синфи, кимё, физика, биология фани лабораториялари, электрон ресурслар фонди улар ихтиёрида.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ
(ЎзА) **олган сурат.**

Давра суҳбати

ТАРАҚҚИЁТ САРИ ҚАДАМ

Президентимиз жойларда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий соҳадаги ислоҳотларнинг бориши ва бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида шу йилнинг 20 июнида вилоятда бўлганида мамлакатимизда, хусусан, Қашқадарёда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечиш, уларни бартараф этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида қайд этиб ўтди. «Аммо бу муаммолар батамом барҳам топди, дегани эмас, — дея таъкидлади Ислом Каримов. — Айниқса, қишлоқ жойлари ва маҳаллаларда бу борада ечимини кутаётган масалалар талайгина».

Вилоят ҳокимлигида ана шу муҳим масалаларга бағишлаб давра суҳбати ташкил этилди.

— Бу борада энг аввало қишлоқ ва маҳаллалардаги ҳозирги ижтимоий-иқтисодий аҳволни пухта ўрганиб чиқиш зарур, — деди вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев вилоятдаги ташкилотлар раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари ўринбосарлари, маҳалла оқсоқолларига қарата. — Президентимиз қайд этган муаммоларни тўлиқ ўрганиб чиққанимиздан кейин бамаслаҳат астойдил ишга киришсак, имкониятларни ишга солсак, мавжуд муаммоларни тезроқ бартараф этишга эришамиз.

Бунинг учун эл орасида обрў топган депутатлар, ташкилотлар раҳбарлари, етарли билим ҳамда тажрибага эга бўлган оқсоқлардан иборат жамоатчилик кенгашлари тузишга қарор қилинди. Улар гуруҳларга бўлиниб, қишлоқ ва маҳаллаларнинг ижтимоий аҳволи, одамларни қийнаётган муаммо ҳамда камчиликларни ўрганади, жамоатчилик назоратини ўрнатишади.

— Халқ ичига кириб бориб, одамлар қалбига йўл топиб, уларга хизмат қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир, — дейишди давра суҳбати иштирокчилари. — Кўпни кўрган, етарли қаёт тажрибасига эга бўлган отахон ва онахонларнинг дилидагини англаб олсак, ўз-ўзидан неча киши меҳнат билан банд ва қанчаси ишсиз, ҳудудларда янги иш ўринлари яратиш имкониятлари қай даражада, бандлик муаммоларини ҳал этиш учун қанча йўналишда иш олиб борган маъқул, кам таъминланган оилаларнинг бугунги талаб ва эҳтиёжлари нималардан иборат, деган саволларга жавоб топилади.

Вилоятда Президентимизнинг кўрсатмалари асосида қишлоқларнинг ижтимоий-иқтисодий инфратузилмасини ривожлантириш ва аҳоли турмуши фаровонлигини янада ошириш сари яна бир қадам ташланди.

Қашқадарё вилояти

«Ҳасанов Ҳамза Пардаевич» номли фермер хўжалиги Қарши туманидаги пешқадам хўжалик ҳисобланади. Уч йилдирки 12 кишидан иборат кичик жамоа 30 гектар майдонда деҳқончилик қиляпти. Ерга эгалик, фидокорона меҳнат туфайли самара ҳам юқори —15 гектар майдондаги ғаллани ўриб-йиғиб олган фермер хўжалиги ҳар бир гектар майдондан 51 центнердан сара дон йиғиштириб, қабул пунктига уруғлик топширди. 15 гектар майдонда парвариш қилинаётган ғўза ҳам баравж ривожланаётир.

ФЕРМЕРнинг ҲОСИЛИ МЎЛ

Ўтган ҳафтада, яъни 20 июнь куни жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари ва кенг қамровли ўзгаришлар билан танишиш мақсадида вилоятга ташриф буюрган мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ушбу фермер хўжалиги даласида бўлиб, бу ерда олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишди. Шу ерда бир гуруҳ фермерлар, вилоят фаоллари билан учрашиб, мамлакатимизда фермерлик ҳаракати бераётган самаралар, ер эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида эришилаётган ютуқлар хусусида суҳбатлашди.

— Фермерлик бугунги кунда қишлоқлар ҳаётида ҳал қилувчи кучга айланди, — деди Юртбошимиз. — Қаердаки ерга меҳр қўйиб астойдил меҳнат қилинса, у деҳқондан ўз бойлигини аямайди. Буни биз биргина ана шу фермер хўжалиги мисолида ҳам яққол кўриб турибмиз.

Президентимиз бу ерда қад ростлаган замонавий, яшаш учун барча қулайликларга эга бўлган дала шийпонини ҳам кўрди ва деҳқон-фермерларнинг бунёдкорлик йўлидаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо берди.

— Бу ер менинг уйим, менинг қўрғоним. Уч йилдирки, болаларим, бутун жамоа аъзолари билан бирга қувончли кунларимни шу ерда ўтказаман. Бугун эса мен учун энг бахтли кун. Негаки, менинг уйимга энг мўътабар, энг азиз меҳмон — Президентимиз ташриф буюрдилар, — деди Парда Ҳасанов ушбу учрашувда ифтихор билан.

— Мен ҳам сизникига қуруқ қўл билан келганим йўқ, — дедилар Юртбошимиз бунга жавобан.— Жамоага «Дамас» автомашинасини совға қиламан. У яхши кунларингизда хизмат қилсин.

Фермер Парда Ҳасановга Президент совғаси — «Дамас» автомашинаси тантанали равишда топширилди.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

«Mahalla» хабарлари

Жиззах вилояти

ЖИЗЗАХЛИК ФАХРИЙЛАР САФАРИ

«Маҳалла»» жамғармаси Жиззах шаҳри бўлинмаси ташаббуси билан 45 нафар меҳнат фахрийси ҳамда кам таъминланган оила аъзоларидан иборат гуруҳ Бухоро ва Нурота шаҳарларида зиёратда бўлишди.

— Абдухолиқ Ғиждувоний, Ситораи Моҳи Хоса, Чор Бакир, Арк, Лабиҳовуз, Саид Мир Кулол, Хожа Қобил Акбар, Валий, Нақшбандий мақбаралари ҳамда азиз авлиёлар яшаб ўтган муқаддас жойларни зиёрат қилганимизда, бу жойлар қайта таъмирланиб, обод ва кўркам қиёфа касб этганлигининг шоҳиди бўлдик, — дейди сафар иштирокчиларидан бири Хайрулло Жўраев. — Қолаверса, Президентимиз ташаббуси билан ушбу қадимий шаҳарларда қад ростлаган замонавий иншоотлар ҳам қалбимизни ифтихорга тўлдирди.

А.ҚАРШИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Бухоро вилояти

«Футболимиз келажаги» турнирида

ЗАРАФШОНЛИК ТЎПУРАРЛАР — ЙЎЛЛАНМА ЭГАСИ

«Маҳалла» жамғармаси тушаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Футболимиз келажаги» республика турнирининг 11-12 ёшли футболчилар ўртасидаги вилоят биринчилиги учун кечган мусобақалар Қоракўл туманидаги марказий ўйингоҳда бўлиб ўтди.

Унда мусобақанинг туман босқичида ғолибликни қўлга киритган 13 та жамоа ўзаро куч синашди. Ўйин натижаларига кўра, учрашувга мезбонлик қилаётган Қоракўл туманидаги Зарафшон маҳалласи жамоаси мусобақанинг вилоят босқичи ғолиби, деб топилди ҳамда турнирнинг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган республика босқичида иштрок этиш учун йўлланмани қўлга киритди.

Мусобақа иштирокчилари «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ва ҳомийлар томонидан фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ҳамроз АЛИ,
«Mahalla» мухбири.

ИЧАН-ҚАЛЪАДА ФЕСТИВАЛ

Уч кун давомида Хива шаҳридаги Ичан-қалъа меъморий ёдгорлигида «Қадимги Хоразм маданияти» фестивали ўтказилди. Тадбирда 30 дан ортиқ хорижий мамлакат вакиллари иштирок этди. «Ўзбектуризм» миллий компанияси, ЮНЕСКО халқаро ташкилоти, Германия немис халқаро ассоциациясининг Ўрта Осиё ваколатхонаси, Германия, Корея, Япония мамлакатлари ривожланишига кўмаклашиш ташкилотлари ҳамкорлигида бўлиб ўтган бу катта анжуманда «Келин салом», «Бешик тўй», «Печак тўй» каби қадимий қадриятлар, миллий урф-одатлар намойиши, полвонлар беллашуви, қўчқор, хўроз уриштириш томошалари, санъаткорлар, дарбозларнинг чиқишлари, ҳунармандлар кўргазмалари, Шарқ бозори расталари, «Буюк ипак йўли» рамзий карвони меҳмонларда эҳр қизиқиш уйғотди. Тадбирда вилоят маҳаллаларидан таклиф этилган фольклор дасталар ўз маҳоратини намойиш этдилар.

— Юртингиздаги ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тузилмаси бўлган маҳаллаларнинг инсонлараро меҳр-муҳаббат юзага чиқадиган, шу билан бирга иқтидорли ёшлар камолга етадиган маскан ҳам эканига гувоҳ бўлиб турибман, — деди тадбирда иштирок этган ЮНЕСКО халқаро ташкилоти вакили Жан Ламери.

Абдулла САФОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Тошкентнинг 2200 йиллиги олдидан

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТИНЧ ВА ФАРОВОН ҲАЁТГА ҲАВАСИМ КЕЛДИ

Пойтахтимиз Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейига тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Бош кентимизнинг таровати, муҳташам иншоотлари, гўзал табиати ва сўлим боғлари ҳар қандай кишини мафтун этади. Қадрдон пойтахтимиз кўчаларида кўплаб сайёҳларни учратиш мумкин. ЎзА мухбирлари улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.

Ванг ТИЕДЗЮН (Хитой):

— Мамлакатингизга ҳар сафар келганимда кўплаб ўзгаришларнинг гувоҳи бўламан. Юртингиз тинчлиги, осойишталиги ва фаровонлигига ҳавас қилса арзийди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон раҳбари томонидан халқ фаровонлигини ошириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг самараларидан, деб биламан.

Келгуси йил Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейи нишонланишини эшитдим. Ушбу шаҳар неча асрлардан буён ўз меъморий обидалари, алломалари, хушмуомала ва меҳмондўст халқи билан барчани ҳайратга солиб келмоқда. Қадимда барча карвонлар Шарқ ва Ғарб ўртасидаги робита, Буюк ипак йўлининг марказий шаҳарларидан бўлган Шош орқали ўтишни афзал билган. Табиати гўзал юртнинг фуқаролари ҳам гўзал ва танти бўлади. Ўзбек халқининг ана шундай инсоний фазилатларидан, юксак маданиятидан ўрнак олса арзийди. Улкан интеллектуал салоҳиятга эга Ўзбекистон ёшлари истиқлол берган юксак имкониятлардан самарали фойдаланиб, барча соҳаларда ўз иқтидори ва қобилиятини намоён этаётганидан хабардорман. Бу мамлакатингизнинг истиқболи янада порлоқ эканидан далолат беради.

Катарзина КОНАРСКА (Польша):

— Ўзбекистонга илк бор келишим. Юртингиз тарихи ва маданиятига оид кўплаб китоблар ўқиган, мамлакатингиз ҳақида анчагина маълумотларга эга эдим. Аммо юз марта эшитгандан бир марта кўрган яхши, деганларидек, тасаввуримдаги билан ҳақиқий Тошкент орасида улкан фарқ бор экан. Пойтахтингиз жуда гўзал экан. Шундай гўзал, тинч ва обод диёрда яшаётган халқингизга чин дилдан ҳавасим келди.

Одамларнинг меҳмондўстлиги, инсонпарварлиги, бағрикенг ва меҳр-оқибатлилиги мени ҳайратга солди. Меҳнатсевар ўзбек халқи яратувчанлиги ва бунёдкорлиги билан кўпчиликни лол қолдириб келаётир. Мамлакатингиз дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан жой олишига қатъий ишонаман. Юртингиз тинч, осмонингиз доимо мусаффо бўлишини тилайман.

Ражив КХАННА (Ҳиндистон):

— Тақдир тақозоси билан менинг болалигим ва ўсмирлигим Тошкентда ўтган. Орадан йигирма йил ўтиб, Ўзбекистонга сайёҳ сифатида яна келдим. Мен учун қадрдон ва ардоқли бўлган ушбу муаззам шаҳарни ниҳоятда соғинган эдим. Она юртимдек азиз бўлган озод Ўзбекистоннинг иссиқ тафти кўп йиллик хотираларимни ёдга солди. Мамлакатингизнинг истиқлол йилларида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетгани – чиройига чирой қўшилиб, мафтункор бир диёрга айланганини кўриб, кўзларим қувончдан ёшланди. Бу гўзал заминда амалга оширилган мислсиз бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларининг улкан натижалари ҳар қандай сайёҳни мафтун этади. Айниқса, Мустақиллик майдонидаги бетимсол ўзгаришлар – ранг-баранг гулзорлар ва сержило фавваралари ҳайрат билан кўздан кечирар эканман, Ўзбекистоннинг тубдан ўзгарганидан астойдил қувондим.

Ростини айтсам, Тошкент нонини жуда соғинган эдим. Тошкентни нон шаҳри деб аташлари бежиз эмас.

Азим Тошкентнинг 2200 йиллик тўйига катта тараддуд кўрилаётганининг гувоҳи бўлдим. Иқтисодиёти йил сайин тараққий этиб, халқининг фаровонлиги муттасил ошиб бораётган мамлакатингизнинг истиқболи янада порлоқ бўлсин, халқингизнинг ҳар куни тўйу байрамга айлансин.

Танер ГУВЕН (Туркия):

— Тошкентга биринчи келишим. Дунё илм-фан тараққиётига улкан ҳисса қўшган, Шарқ дарвозаси деб донг таратган Тошкент тасаввуримдагидан анча зиёда, гўзал экан. Бу ердаги диққатга сазовор жойлар, айниқса, тарихий обидалар, меъморий ёдгорликлар ва муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиб, баҳри дилим очилди. Айниқса, Ҳазрати Имом мажмуида кўрганларим бир умр ёдимда қолади.

Ўзбекларга хос гўзал фазилатлар – меҳнаткашлик, аҳиллик, меҳр-оқибатлилик ҳамда ажойиб урф-одатлар, миллий анъаналардан дунё аҳли ўрнак олса арзийди. Ушбу муқаддас заминдаги тинч, осойишта ва фаровон ҳаётга чин дилдан ҳавасим келди.

ЎзА мухбирлари
Ирода УМАРОВА,
Нодира МАНЗУРОВА
ёзиб олди.

Mahalla

Тахририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:

Нашр кўрсаткичи: 148

Кабулхона — 236-53-93

Тел/Факс: — 233-44-25

Бахоси келишилган нархда

Масъул котиб: 236-53-75

Хатлар бўлими: 236-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

— Яна нима дейсиз?
— Халқимизнинг фазилатлари ҳар қандай хорижликни ҳам маҳлиё қилади...

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Ташаббуснинг қаноти бор

Тошкент вилояти

ҲАР ЙИҒИННИНГ СЕРГАК ПОСБОНЛАРИ БОР!

Тошкент тумани Келес шаҳарчасидаги Ифтихор маҳалласи оқсоқоли ва йиғин ходимлари ташаббуси билан ҳудудда истиқомат қилувчи ёш оилаларга ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилмоқда. Биргина жорий Ёшлар йилининг ўзида ёш оилалардан учтаси қорамол, иккита хўжалик 20 бошдан товуқ билан таъминланди. Шунингдек, ана шундай оилалардан 13 тасининг коммунал тўловлардан мавжуд қарзлари саховатпеша инсонлар томонидан қопланди.

СУРАТДА: *маҳалла оқсоқоли Мирғофир Сагдиев ва маҳалла посбонлари сардори Адбулла Султонов.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

— Фуқаролар йиғини идорасини таъмирдан чиқардик, — дейди маҳалла оқсоқоли Мирғофир Сагдиев. — Ҳозирда ходимларимиз алоҳида хоналар, фаолиятда зарур бўлган асбоб-ускуналар билан таъминланган. Қолаверса, ҳудудимиздаги 11-сонли мактаб биносининг капитал таъмирланишига ҳам ҳисса қўшдик.

Маҳалланинг тинчилиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида маҳалла посбонлари сардори Абдулла Султонов ва унинг беш нафар ёрдамчиси, кўчабошилар ўзаро ҳамжиҳатликда тунги навбатчиликлар ташкил этишган.

— Яқинда туман ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда маҳалла посбонлари сардори учун махсус кийим тиктириб, кўкрак нишони ясатдик, — дейди посбонлар сардори. — Ушбу ташаббус "Маҳалла" жамғармасининг вилоят бўлими томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. Посбонлар учун махсус кийимларни вилоятдаги бошқа маҳаллаларда ҳам жорий қилиш кўзда тутилмоқда.

МУХБИРИМИЗ

Истиқлол берган имкон

Қорақалпоғистон Республикаси

"Қўнғирот — Бейнеу" йўналиши бўйида жойлашган Кийиксой мавзесига яқинлашар экансиз, бепоён Устюрт саҳроси қўйнидаги ажойиб манзара диққатингизни тортади. Кўз ўнгингизда осмонга бўй чўзган миноралар, маҳобатли иморатлар, сал нарида эса замонавий шаҳарчанинг кўркам бинолари намоён бўлади. Бу Марказий Осиёда ягона бўлган Қўнғирот сода заводи ҳамда Элобод шаҳарчасининг мўъжаз қиёфасидир.

САҲРО БАҒРИДАГИ МЎЪЖАЗ ШАҲАРЧА

2006 йилнинг август ойида ишга туширилган Қўнғирот сода заводи йил охиригача 12810 тонна калийланган сода ишлаб чиқариб, истеъмолчиларга етказиб берган эди. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати йилдан йилга ортиб бориб, ўтган йили 46653 тонна халқ хўжалиги учун зарур бўлган хом ашё тайёрланди. Айни пайтда бир кеча-кундузда 300 тонна маҳсулот ишлаб чиқариляпти. Йил охирига қадар ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми 100 минг тоннани ташкил этиши кўзда тутилган.

Мазкур завод «Кварц», «Фармгласс», «Ўзбекнефтгаз», «Ўзсаноатқурилишматериаллари», «Ўзбеккимёсаноат» сингари компания, қўшма корхона ва акциядорлик жамиятлари учун хом ашё етказиб беради.

Ҳар қандай корхонада иш унуми энг аввало, фидойи ва ўз касбининг устаси бўлган ходимларга боғлиқ. Буни яхши билган 1200 нафар ишчи, муҳандис-техник ходимлар, Аширбой Қораев бошчилигидаги «Кунхўжа» темир йўл бекати жамоаси қўлни қўлга бериб, меҳнат қилишмоқда. Эътиборли томони шундаки, бу ерда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади.

Корхонага малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида Тошкент кимё-технология институти қошида сиртқи бўлим очилган эди. 2006-2007 ўқув йилида олийгоҳни 76 нафар ёш мутахассис битириб, ишга йўлланма олди. Ҳозирги кунда институтнинг Қўнғирот сода заводи филиалида 192 нафар йигит-қиз таҳсил оляпти.

Ишчиларга зарур шарт-шароитларни яратиб бериш завод маъмурияти ҳамда жамоат ташкилотларининг доимо диққат-эътиборида. Элобод шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Қайдавлиевнинг таъкидлашича, айни пайтда ҳудуддаги 270 та оилада салкам икки минг нафар аҳоли истиқомат қилмоқда. Шаҳарчада касалхона, мактаб, болалар боғчаси, новвойхона, ҳаммом, 2 та дўкон, Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасининг филиали фаолият кўрсатяпти.

Элободликлар ҳудуд шароитидан келиб чиқиб, кўкламзорлаштириш ва ободончилик ишларига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш ва аҳолини сархил мевалар билан таъминлаш мақсадида барпо этилган 14 гектарлик боғ айни ҳосилга кирган. Жорий йилнинг кўкламида 1300 туп манзарали, 1000 тупдан зиёд мевали дарахт кўчатлари ўтқазилганини ҳам бу борада олиб борилаётган ишларнинг бир қисми сифатида баҳолаш мумкин.

Шаҳарчада кам таъминланган оилалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор тадбирлар ҳам амалга ошириляпти. 52-сонли мактабга 600 минг сўм, «Нуроний» жамғармасига 700 минг сўм, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 30 миллион сўм, Каратэ федерациясига 2 миллион сўм маблағ ўтказилиб, болалар боғчасига зарур анжомларнинг олиб берилгани завод маъмуриятининг хайрли ишлари сирасига киради.

Ёшлар йили муносабати билан Элободда истиқомат қилувчи ёш оилаларнинг 25 таси уй-жой билан таъминланди. Йил охирига қадар уларнинг сонини 60 тага етказиш режалаштирилган.

Асил БЕК,
«Mahalla» мухбири.

27 июнь – Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

ЖУРНАЛИСТ — МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР ҲИМОЯЧИСИ

Матбуот ходимлари, уларга хос хусусиятлар ҳақида гапирганда, биз, аввало, сезгирлик ва зийраклик аломатларини, ҳаёт ўзгариши, дарду ташвишларини чуқур кузатадиган, кенг дунёқараш эгаси бўлган, турли касб-ҳунар ва мутахассисликни ўзида мужассамлаштирган инсонларни тасаввур этамиз.

Ислом КАРИМОВ

Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс ва оиланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш вазифаси мамлакатимизда демократик-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 1 майда эълон қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги фармонида ҳам демократик, ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишининг, бутун ички ва ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши этиб белгилагани алоҳида қайд этилган.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда йирик давлат ижтимоий дастурларини ҳаётга татбиқ этиш орқали инсоннинг, аввало, болалар, хотин-қизлар, ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, баркамол ривожланиши учун барча зарур шарт-шароитлар муҳайё қилинмоқда. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмлари яратилган ва улар амалда самарали жорий этилмоқда. Мамлакатимизда беш мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Жамият ва давлат қурилиши соҳасида сиёсий партияларнинг роли сезиларли даражада ошди. Мустақил оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари жадал ривожланмоқда. Улар аҳолининг сиёсий, ижтимоий фаоллигини ошириш, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишнинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни кунларда инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида демократик социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида амалга оширилаётган салмоқли ишлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда.

Бу борадаги ишлар бераётган самаралар 27 июнь – Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ўтказилаётган тадбирларда алоҳида эътироф этилмоқда. Шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, марказий газета ва журналлар вакиллари ҳамда адлия идоралари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг биринчи ўринбосари А.Аҳмедов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар бераётган юксак самаралар мазмун-моҳиятини кенг оммага етказишда оммавий ахборот воситаларининг алоҳида ўрни борлигини таъкидлади. Ахборот асри, дея эътироф этилаётган бугунги кун журналист зиммасига янада залворли вазифаларни юкламоқда. У нафақат холис ва тез ахборот етказувчи, балки миллий манфаатларимиз ҳимоячиси ҳамдир.

Тадбирда ҳуқуқий тарғибот ишларида алоҳида ўрнак кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

Журналист — хоҳ у мухбир, хоҳ публицист бўлсин — бирор далил ёки маълумотнинг ижтимоий аҳамиятга молик жиҳатларини очиб бериши ва бу орқали муштарийларга нимадир етказа олиши лозим. Бугунги кунда ўзбек журналистикасини янада ривожлантириш, соҳада ихтисослашувга тўлиқ эришиш ва етук мутахассисларни тарбиялашга алоҳида эътибор бериляпти. Зеро, катта ҳаёт остонасида турган, журналистик фаолиятни эндигина бошлаётган ёшларнинг малакаси, уларнинг интеллектуал ва маънавий савияси, тафаккур даражаси соҳа ривожида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

ИҚТИДОР ҲАМ, ИШТИЁҚ ҲАМ ШАРТ

— Журналист бўлиш учун иқтидорнинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун инсонда иқтидор билан бирга интилиш, меҳнатсеварлик ва ўз соҳасига нисбатан кучли иштиёқ бўлиши шарт, — дейди Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети доценти, филология фанлари номзоди, журналист Юсуфжон Ҳамдамов. — Олийгоҳдаги талабалар орасида республика газеталари, телевидение ва радиода чиқишлар қилиб, сермашаққат касбнинг ўзига хос жиҳатларини чуқур ўрганаётганлари талайгина. Уларга бу борада янада кўмаклашиш мақсадида олийгоҳимизда "Сиёсий шарҳ", "ОАВ иқтисодиёти ва менежменти", "ОАВ социологияси", "Оммавий ахборот психологияси хавфсизлиги масалалари" мутахассислиги бўйича магистратура йўналиши ҳам ташкил этилган.

Дарҳақиқат, бугунги таълим жараёни ва ёшларга яратилаётган имкониятлар ҳавас қилгулик. Бироқ бундан оқилона фойдаланиш уларнинг ўзларига боғлиқ. Қўлига қалам тутган мухбир сўзга, ўз ишига масъулият билан ёндашсагина, журналист деган шарафли номга лойиқ бўлади. Бунга эришиш учун, аввало, у фикр юритаётган мавзусини ўзи чуқур ўзлаштириши ва ўткир сўз айта олишга жўраъ топиши керак. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, журналист иқтисодчи билан иқтисодчи, тиббиёт ходими билан шифокор, сиёсатшунос билан сиёсатчи, спорт устаси билан спортчи бўлиб баҳсга кириши лозим.

Ҳозирда университет қошида ташкил этилган Телерадиомарказда телестудия ва 32 та каналли рақамли радиостудия ишлаб турибди. Иккита кичкина замонавий босмахона ва 24 та янги компьютерлар ўрнатилган ахборот-ресурс маркази, ҳамда халқаро Интернет тизимига уланган электрон тармоқ талабалар хизматида.

— Тўғри, талабаларимиз орасида журналистлика касбининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатига бел боғлашдан чўчийдиган, бироз қатъийлик етишмайдиган ёшлар ҳам йўқ эмас. Уларни дарс жараёнларида мулоҳаза юритишга, қалбида ушбу шарафли касбга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотишга ундаймиз, — дейди суҳбатдошимиз.

Бугун матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётган забардаст журналистлар, публицистлар, ҳассос ижодкорлар борки, уларнинг иш услуби ва тажрибаси келажакда журналист бўлиш орзусидаги ёшларимиз учун катта мактаб вазифасини ўтайди. Ёшларимиз улардан ўрнак, сабоқ ва ибрат олсалар, албатта ўз орзу-мақсадларига эришишлари шубҳасиз.

Муҳайё БОЙМУРОДОВА

Хоразм вилояти

«ФИКР — ТИҒДАН-ДА ЎТКИР!»

Дунёда инсон фикри, тафаккури, дунёқарашию иродасини ифодаловчи воситалар жуда кўп. Газета, журнал, умуман ҳар қандай нашр ана шундай воситалар жумласига киради. Деразадан уйга ёруғлик тушганидек, инсонлар қалбига матбуот, оммавий ахборот воситалари орқали ёруғлик ёғилади. Шу боисдан бўлса керак, матбуот, оммавий ахборот воситалари ходимларига замондошларимиз ўзгача ҳурмат билан қарайдилар. Ўзбек журналистикаси тарихида умрини ана шу фахрли касбга бахшида қилган фидойи инсонлар кўплаб топилади. Хоразмлик таниқли журналист, шоир, марҳум Эгам Раҳимов ҳам шундай инсонлардан бири эди. Унинг номи нафақат Хоразм аҳли, балки республикамизнинг ижодкор-журналистлари учун ҳам яхши таниш.

Эгам Раҳим матбуот соҳасида фидойилик кўрсатиш билан бирга вилоят, республика миқёсида ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирлар ва турли анжуманларга бош-қош эди. Ижод қилишдан, газетачиликдан вақт ортириб, жамоат ишларида фаол бўлиб, маҳалла муаммоларини ҳал этиш йўлида қайғуриб юрганини кўрганлар бу инсоннинг ҳафсаласига, ғайратига ҳавас ва ҳайрат билан қарар эдилар.

Эгам Раҳим матбуотдаги фаолиятини мусаҳҳиҳликдан бошлаб, 20 йилдан зиёд, яъни умрининг охиригача «Хоразм ҳақиқати» газетасида бош муҳаррир вазифасида ишлади. Газета саҳифаларида чоп этилган воҳанинг сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида юз берган ўзгаришлар, илғор тажрибалар, замондошларнинг меҳнат жабҳасидаги жасорати, миллий мерос ва маънавият қадри ҳақидаги мақолаларнинг ижодкори, ташкилотчиси эди у. Эгам Раҳимнинг «Бахт йўли», «Янги қадам», «Салом сизга, Хоразмдан», «Нур дарёси», «Қалбим қиссаси» каби шеърий тўпламлари чоп этилиб, китобхонлар эътиборини қозонди. «Маърифат қурбонлари» драмаси, «Мангулик» операсининг либреттоси томошабинлар меҳрини қозонди.

Эгам Раҳим юксак мукофотларга эришди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвонига сазовор бўлди. Урганч тумани Қоровул қишлоғидаги ижодкор туғилиб ўсган маҳалла ҳозир унинг номи билан аталмоқда.

— Маҳалламизда беш мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Улар шундай серқирра ижодкор, фидойи инсонга маҳалладош экани билан фахрланади, — дейди Эгам Раҳим номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Собиржон Худойберганов. — Эгам Раҳимовнинг ҳаёти ва фаолияти катта бир мактаб. Бу мактабдан ёшларимиз ҳар қанча сабоқ, ибрат олса арзийди. Айни кунларда мустақиллигимизнинг 17 йиллиги байрамига қизғин тайёргарлик кўряпмиз. Жорий йилда маҳалламизда Эгам Раҳим таваллудининг 90 йиллигини нишонлашни ҳам режалаштирганмиз.

Эгам Раҳим билан «Хоразм ҳақиқати» газетасида бир сафда ишлаган таниқли журналист Қодир ота Матжонов айни кунда 82 ёшда. У киши шу маҳаллага 10 йил давомида оқсоқоллик ҳам қилди. Ҳозир ҳам маҳалла ҳаёти ва фаолиятида отахоннинг ўз ўрни, иштироки бор. Қодир ота ҳамкасби ҳақидаги хотираларидан сўзлайди:

— Эгамнинг бундан қирқ йил олдин журналист, матбуот ходимига қўйган талаблари ҳамон ўз кучини йўқотмаган. Унинг фикрлари бугун ҳам ҳар қандай журналистга керакли ўгит вазифасини ўташга қодир.

«Журналист учун ҳар тонг ҳаёт янгидан бошланади, — дер эди у, — журналист ҳамиша илғор бўлиши, олдинги сафда юриши, ҳаётда бўлаётган воқеа-ҳодисалар моҳиятини тез ва теран англаб, уни оммага етказиши керак. Фикр — тиғдан-да ўткир. Журналистни саёз фикр юритишдан худонинг ўзи асрасин. Журналистнинг муқим иш соати йўқ, у юрса ҳам, турса ҳам ўйлаши, фикр юритиши шарт. Ҳақиқий журналист умр кечириш учун яшамайди, ҳаётни кузатиш, тадқиқ этиш учун яшайди. Ҳа, бу касбнинг нонини ейиш осон эмас, лекин ҳақиқий журналист ҳеч қачон касбидан нолимайди..."

Абдулла САФОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Сирдарё вилояти

Мақсад муштарак

Бугунги кунда ҳаётимизни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиш қийин. Негаки, давр талаби ҳар бир инсоннинг атрофдаги воқеликлар, янгиликлардан бохабар бўлишини талаб этмоқда. Дунёда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий янгиликлар билан айнан матбуот ва оммавий ахборот воситалари орқали танишишимиз мумкин.

Қувончлиси, бугун газета ва журналлар, теле-радиоканаллар, шу билан бирга электрон оммавий ахборот воситаларининг салмоғи кўпайди. Улар муштарийлари ёхуд томошабину тингловчиларини қулай, арзон ва тезкор равишда холис ахборот билан таъминлашга ҳаракат қиляптилар. Энг муҳими, муштарий, тингловчи ёки томошабин улар орасидан ўз дунёқараши ва қизиқишига мосини танлаб олиш имконига эга. Ўз ўрнида бу имконият оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ижодий рақобатига йўл очади, демак, уларнинг иш услуби ва сифати янада яхшиланиб бораверади. Замондошларимизнинг каттаю кичигини кузатсангиз, ҳар кимнинг ўз севимли нашри, телекўрсатуви, радиоканали бор.

Шахсан ўзим «Mahalla» газетасини қизиқиб ўқийман. Бу қизиқишим боисини фуқаролар йиғинига раис бўлганим билангина изоҳласам, нотўғри бўлади. Бордию, бу тизим ходими бўлмаган тақдиримда ҳам «Mahalla»ни мунтазам мутолаа қилган бўлардим, чунки бу газета нафақат маҳаллалар фаолияти ва ҳаёти, балки турли соҳалару жабҳаларга дахлдор, турли тоифадаги ва турли қизиқишга эга муштарийларга мос мавзуларни қамраб олган.

Оммавий ахборот воситаларининг тури ва салмоғи қанча кўп бўлмасин, уларнинг асосий мақсади муштарак: ёритилаётган долзарб мавзулар ва воқеа-ҳодисалар тафсилотлари орқали инсонларни эзгуликка, хайрли ишларга тарғиб қилиш. Хусусан, замондошларимизни, айниқса, ёшларимизни жиноятчилик ва гиёҳвандлик каби иллатлардан сақлашда, уларда Ватанга, она-отасига, маҳалла-қўйга нисбатан меҳр-муҳаббатини мустаҳкамлашда матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг хизмати ва ҳиссаси катта.

Дилбар ҲАЙИТОВА,
Гулистон туманидаги Деҳқонобод шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси.

Фаолият эътирофи

Бухоро вилояти

БОТИР ОҚСОҚОЛ

Ботир Олимов — «Маҳалла» жамғармасининг Шофиркон тумани бўлинмаси раиси. Бироқ тумандаги маҳаллаларни ободонлаштириш йўлидаги кўп йиллик меҳнатлари, жонбозлиги самараси ўлароқ, уни тумандаги каттаю кичик «оқсоқол» деб атайди, эъзозлайди.

Ботир ака Тошкент политехника институтини тамомлагач, тумандаги «Қишлоқ хўжалик энергия» корхонасида иш бошлаган пайтиданоқ аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга эътибор қаратди. Тумандаги Жилвон мавзесини ўзлаштириш жараёнида 5 та чучук сув иншоотини қурдирди. Ичимлик суви танқислиги туфайли ҳозирга қадар туман аҳолиси ушбу иншоотлардан фойдаланмоқда. Собиқ «Ўзбекистон», Ш.Рашидов номли жамоа ва ширкат хўжаликлари раиси, вилоят «Мевасабзавотузумсаноат» бирлашмаси раҳбари бўлган чоғларида ҳам хайрли ишларни амалга оширишда давом этди. Хусусан, Читгарон — Маври маҳаллалари ўртасидаги анҳор устига мустаҳкам кўприк қурдирди. Уни одамлар «Ботиркўприк» деб аташади. Бундан ташқари, у туман марказидан олисдаги Вардонзе қишлоғида биринчи иқтидорли болалар мактабини, Жўшўра қишлоғида эса икки қаватли болалар боғча-яслиси биносини барпо эттирди. Ушбу эзгу ишлари учун унга «Халқ маорифи ҳомийси» кўкрак нишони берилди. Саврак ва Читгарон қишлоқларида 31 гектар майдонда боғ яратди.

Мана, олти йилдирки, Ботир ака «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлинмаси раиси лавозимида фаолият юритмоқда. Бу лавозим унинг каттаю кичикка ғамхўрлик кўрсатиш, маҳаллаларни ободонлаштириш ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини янада жонлантирди.

Айни пайтда тумандаги 12 та қишлоқ фуқаролар йиғини ва 37 та маҳаллада «Ёшлар йили» Давлат дастури талаблари асосида қатор муҳим тадбирлар ўтказиляпти. Айниқса, «Футболимиз келажаги» ва «Маҳалламиз полвонлари» мусобақалари, «Сиз қишлоғимиз тарихини биласизми?», «Обод маҳалла» ва «Обод хонадон» кўрик-танловлари айни қизғин паллада. Хусусан, Хорин, Қалмоқон, Хўжа Ориф, Саврак, Султон Жўра номли ҳамда Вардонзе маҳаллаларида ушбу кўрик-танловлар юқори савияда ўтказилиб, кутилган натижаларга эришиляпти. Эндиликда Султон Жўра номидаги маҳалланинг ёш футболчилари, вардонзелик полвон Қаҳрамон Бердиев, савраклик обод хонадон соҳиби Толиб Хўжаевларни нафақат Шофирконда, балки қўшни туманларда ҳам яхши билишади.

Жорий йилнинг баҳорида туман марказида Хотира хиёбони барпо этилди. Хиёбонга анвойи гуллар, мевали ҳамда манзарали дарахтлар чирой бахш этиб турибди. Эътиборлиси шундаки, ушбу хиёбоннинг бунёд этилишига ҳам Ботир оқсоқол бошчилик қилди. Ҳозирда Шофирконда Хўжа Ориф ар-Ревгарий (Моҳитобон) зиёратгоҳи қайта таъмирланиб, ободонлаштирилмоқда. Унда катта жомеъ масжиди, азалий ва замонавий кўринишдаги кенг хиёбон, кўркам қариялар чойхонаси, тадбирлар ўтказиш зали, истироҳат айвонлари, фавворалар, 3 гектар майдонда гул ва дарахтзор барпо этиляпти.

Эшмурод БОБОМУРОДОВ



Ромитанлик тадбиркор Қурбон Сафаровга тегишли «Бухоро-Қоракўл-Қурбон» кичик корхонаси қоракўл териларини анъанавий усулда кимёвий аралашмаларсиз ошлаш ва бўяш ишлари билан шуғулланади. Ҳозирда корхона Россия ва Белоруссия давлатларининг буюртмалари асосида фаолият юритмоқда.

Йилига 100-120 минг дона қоракўл териларини қайта ишлаш қувватига эга бўлган ушбу корхонада 150 нафар маҳаллий аҳоли доимий иш ва 300 минг сўм ойлик иш ҳақи билан таъминланган.

— Корхонамиз қошида тикув цехини ташкил қилиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали иш ўрни ҳамда ойлик даромадимизни оширишни режалаштирганмиз, — дейди корхона раҳбари Қ.Сафаров.

СУРАТДА: *корхона мутахассиси Ҳикмат Сафаров.*

Ҳамроз АЛИ сурат-лавҳаси.

Юрт ободлиги — юртдошлар юмуши

Фарғона вилояти

ЎЗБОШИМЧА «МЕЪМОР»лар

улар фақат ўз манфаатини кўзлаб иш тутмоқдалар

Сўнгги йилларда юртимизнинг барча гўшаларида бўлгани каби Фарғона шаҳрида ҳам кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Айниқса, шаҳар марказида миллий меъморчилигимизга хос замонавий услублар уйғунлашган иншоотларнинг қад ростлаётгани ҳар қандай кишининг кўзини қувонтиради.

Албатта, истиқлол шарофати билан амалга оширилаётган ушбу бунёдкорлик ишларидан ҳар қанча фахрланса, арзийди. Бироқ эришаётган ютуқларимиз қаторида маълум камчиликлар ҳам борлигини тан олиш лозим.

Масалан, юртимизнинг кўркам ва файзли шаҳарларидан бири — Фарғона шаҳрида ноқонуний йўл ва ўзбошимчалик билан қурилган бинолар борки, улар шаҳар чиройига раҳна солмоқда. Устига-устак, кейинги пайтда бундай қурилмалар анчагина кўпайди. Ваҳоланки, муҳтарам юртбошимиз томонидан 2005 йилда айнан шу масалаларга бағишланган, яъни бир вақтлар шаҳарсозлик жабҳасида илдиз отган бошбошдоқликларга чек қўйиш борасидаги чора-тадбирлар белгиланган махсус қарор имзоланган. Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида Фарғона шаҳри ҳокимлиги, шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармаси, кадастр хизмати, шаҳар уй-жой ва инфратузилма объектлари қурилишини мувофиқлаштириш бўлими томонидан белгиланган қатъий режа асосида бир қатор ишлар амалга оширилди. Аввало, жойларда фуқаролар билан юзма-юз мулоқотлар ўтказилиб, улар билан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шундай бўлишига қарамай, ўзларини хон, кўланкаларини майдон деб билгувчилар ҳам борки, улар билан тегишли қонун талабларидан келиб чиқиб, муросасиз бўлишга тўғри келмоқда. Масалан, Фарғона шаҳри Қиргули мавзеси Тургенев номидаги кўчада жойлашган 84-уйнинг 120-хонадонида истиқомат қилувчи Феруза Салимова, шу кўчанинг 122-уйи 1 ва 18-хонадонларида яшовчи Мавлуда Асиламирова ва Гулҳаё Тўйчиевалар ўзлари яшаб турган хонадонга кўпқаватли уй олдидан кўкаламзорлаштириш учун ажратилган кичик ер майдонлари атрофини баланд деворлар билан ўраб олиб, бу хатти-ҳаракатлари билан турар-жой бинолари, фуқаролар хавфсизлиги таъминланишига халақит бераётганини англамаганлар.

Тадбир давомида яна бир неча ўнлаб фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан қурилган ноқонуний қурилишлар бузиб ташланди. Жумладан, Тургенев номидаги кўчада жойлашган бошқа кўпқаватли 140, 144 ва 146-уйлар атрофидаги ноқонуний «объектлар» қурилиши ҳам тўхтатилди.

Шунингдек, шаҳардаги Маданият маҳалласи ҳудудидаги Улуғбек номидаги кўчада жойлашган собиқ «Қурувчилар саройи» ўрнидаги ҳароба маҳалла кўркини бузиб, кўрган кишининг дилини ғаш қилади. Қачонлардир тадбиркор М.Мўминов томонидан хусусийлаштирилиб олинган ушбу бино ўз ҳолига ташлаб қўйилгани боис, бино бузилиб, унинг қурилиш материаллари ташиб кетилган. Бино ўрнида қолган ҳароба эса чиқиндиларга тўлиб, нохуш кўриниш ҳосил қилган.

Халқимизда «Шаҳар бедарвоза эмас», деган мақол бор. Бу мақол қилаётган иши жамоат манфаатига, қоларверса, амалдаги тартиб-қоидаларга зид эканини била туриб, қўнгли тусаганича «меъмор»лик қилаётган айрим ўзбошимча юртдошларимизга нисбатан айтилгани аниқ. Бундай ҳолатларга чек қўйишга қаратилган чора-тадбирлар нафақат шаҳарсозлар, архитекторлар, тегишли мутасадди ташкилотлар, балки маҳаллалар аҳли, кенг жамоатчилик иштироки билангина самарали бўлиши тайин.

Сарвар СИРОЖИДДИНОВ,
Фарғона шаҳар уй-жой ва инфратузилма объектлари қурилишини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи;
Алижон МИРЗАБОЕВ,
журналист.

Олам турфа

ЭНГ КАТТА КАБОБ

Уругвай давлатининг Монтевидео шаҳридаги ошпазлар дунёдаги энг катта ҳажмли кабобни тайёрлаб, рекорд ўрнатмоқчи бўлишди.

Бунинг учун 300 нафар ошпаз икки соат давомида тер тўкиб ишлашига тўғри келди. Улар 12 тонна гўштни 1,5 км узунликдаги грил (кўра)-да пиширишди. Мазкур кабобни тайёрлаш учун 50 килограммга яқин зираворлар ва ярим тонна қайла ишлатилган. Бу ғаройиб ва мазали таомдан бутун шаҳар аҳли ҳамда сайёҳлар таътиб кўриш имкониятига эга бўлдилар.

ҲАЛОВТА СИҒМАГАН БЕМОР

Мисрлик Фотима исмли аёл бемор эрини касалхонага олиб бориш учун қурилишда ишлатиладиган кўтарма крандан фойдаланишга мажбур бўлди.

Гап шундаки, Фотиманинг эри жуда семириб, вазни 300 килограммга етиб қолади. Бунинг оқибатида эса уйининг эшигига сиғмай, кўчага ҳам чиқмай қўяди.

Эрининг аҳволи оғирлашаётганидан саросимага тушган Фотима ёрдам сўраб полициядан қўнғироқ қилди. Зудлик билан етиб келган полициячилар ҳам аввалига беморни эшик орқали олиб чиқишга уринишди. Бунинг уддасидан чиқишолмагач, осойишталик посбонлари ижтимоий муҳофаза бошқармасига мурожаат қилишди. У ердагилар муаммони ҳал қилиш учун кўтарма крандан фойдаланишни таклиф этишди. Бемор пўлат арқонлар ёрдамида кўпқаватли уйнинг бешинчи қавати деразасидан ташқарига чиқариб олинди.

Бақалоқ беморнинг кейинги "саргузашт"лари эса юк автомашинасининг кабинасида давом этди. Негаки, у семизлигидан одатдаги "Тез ёрдам" машинасига ҳам сиғмади.

Наманган вилояти

"VIVATEKS" МАҲСУЛОТЛАРИ

ушбу маҳсулотларга хорижий мамлакатларда ҳам талабгорлар кўп

Чуст туманининг Дўзанда маҳалласи ҳудудида жойлашган "VIVATEKS" масъулияти чекланган жамиятида бугунги кунда 300 нафардан зиёд ишчи меҳнат қилмоқда. Корхона ишчиларининг асосий қисмини Сабзазор, Деҳқонобод, Хўжаобод, Бибиона, Наврўз, Навбаҳор маҳаллалари хотин-қизлари ташкил этиб, улар чиройли ва бежирим трикотаж маҳсулотларини тайёрлашяпти.

Бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга Россия ва Украина давлатларидан ҳам харидорлар кўп. Россиялик ҳамкорлар билан 2014 йилда Сочи шаҳрида ўтказиладиган Олимпиада ўйинлари учун трикотаж маҳсулотлари тайёрлаб бериш мақсадида муддатли шартнома имзоланди.

— Ўтган йили экспорт миқдори 940 минг АҚШ долларни ташкил этган бўлса, шу йилнинг дастлабки уч ойида бу рақам 370 минг АҚШ долларига етди, — дейди корхона директори Д.Исмоилова. — Маҳсулотларни сифатли тайёрлашда тикувчилардан М.Тўрахонова, Ш.Файзиева, Ф.Ибрагимова, М.Маҳмудова, усталар М.Шарипова, Ш.Искандарова, бичувчи Ҳ.Шоисматоваларнинг хизмати катта бўляпти.

Айни пайтда корхона таъсисчилари корхонага қўшимча сармоялар киритишни мўлжаллашмоқда. Бу эса янги цех қурилишига ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг 1,5 баробарга ошишига ҳамда яна 700 та иш ўрини яратилишига имкон беради.

Мирзадавлат ЮНУСОВ,
«Mahalla» мухбири.

Аёл журъати

Андижон вилояти

МАЪМУРОБОДНИНГ ФАХРИЙ ДОКТОРИ

Қўрғонтепа туманидаги Маъмуробод қишлоғига олис Грециядан хушхабар келди — 10-умумтаълим мактаби директори Матлубахон Қўлдошева халқаро Қадимий дунё илмий академиясининг фахрий доктори даражасига сазовор бўлибди. Шу муносабат билан туман халқ таълими бўлимида Матлубахонга академиянинг фахрий докторлик либоси ва дипломини топшириш маросими ўтказилди.

Қишлоқ мактаби директори нуфузли халқаро илмий академиянинг фахрий доктори даражасига қандай эришгани барчани қизиқтириши табиий. Матлубахонда қадимий дунё адабиётига қизиқиш Андижон педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида ўқиб юрган кезларида уйғонган ва астойдил шуғулланишни бошлаган эди. Кейинчалик ўқитувчилик билан бирга антик адабиёт тадқиқига бағишланган илмий мақолалар ёзди, маърузалар тайёрлади.

Ҳозирги кунга қадар Маъмурободдан кўплаб фан номзодлари етишиб чиққан. Халқаро академиянинг доктори бўлиш эса илк бор Матлубахон Қўлдошевага насиб этди. Унинг муваффақияти бутун қишлоқ аҳлини қувонтирди.

— Шогирдимнинг ютуғини эшитиб, бениҳоя хурсанд бўлдим, — дейди 45 йил ўқувчиларга таълим-тарбия бериб, айни пайтда кексалик гаштини сураётган Эргашбой ота Жўраев. — Матлубахон ўқувчилик чоғида ҳам тиришқоқ ва интилувчанлиги билан ажралиб турарди. Институтни тугатгач, кўп йиллар бир жамоада меҳнат қилдик. Раҳбар сифатида у ўқитувчиларни ўз устида ишлашга, маҳоратини оширишга ундаб, бу борада ҳамкасбларига ўзи намуна бўларди.

Адабиёт ихлосмандларига яхши таниш бўлган болалар шоири Одилжон Абдураҳмонов билан Матлубахон 35 йилдирки тинч-тотув ҳаёт кечиришмоқда.

— Бу оилани ёш оилаларга намуна қилиб кўрсатамиз, — дейди маҳалла фаолларидан бири Азизахон опа Омонова. — Уларнинг фарзандлари эл-юрт корига ярайдиган инсонлар бўлиб вояга етишди. Интилганга толе ёр эканини Матлубахон ўз меҳнати ва эришган ютуқлари орқали исботлади. Ёшларимиз ундан ҳар қанча ўргансалар, ибрат олсалар арзийди.

У. САКСОНБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Қилмиш — қидирмиш

«СИРЛИ» СУМКАЛАР

Аввал-бошда оддийгина туюлган бу иш қандай оғир оқибатларга олиб келишини билганида Одилжон ўша куни Содиқнинг юзига ҳам қарамай ўтиб кетган бўларди. Ҳозир эса... танишининг касофати уриб, қамоққа тушиб қолган Одилжоннинг кўз олдидан хотини, фарзандлари ўтди... Оқшом тушиб, чироқлар ёнди. Ҳар куни шу маҳалда қўлига нонми, мева-чевами, хуллас, нимаики ишлаб топган бўлса, кўтарганича уйига кириб борар, болаларининг қий-чув, хурсандчилигини кўриб, чарчоғи ёзилиб кетарди. Энди анча йиллар уларни соғиниб яшашга маҳкум эканини ўйлади-ю, «иҳ» деганича лабини тишлаб, инграб юборди. Лекин бўлар иш бўлган, эндиги пушаймону хўрсинишлардан фойда йўқ эди.

...Тожикистон билан чегарадош Бекобод туманининг Турон маҳалласида яшовчи Одилжон Жўраев ўзининг «Жигули» русумли машинасида киракашлик қилиб тирикчилик юритарди. Мижозлари орасида тожик фуқаролари ҳам бор эди. Ўша куни машинасида кетаётган вақтида уни чегаранинг нариги томонида турган тожикистонлик Содиқ деган таниши тўхтатди. Бир даста пул ваъда қилиб, икки сумка арақни Ўзбекистон ҳудудига ўтказиб беришни сўради. Ҳайдовчи рози бўлгач, унинг қўл телефони рақамини олиб, «юк» тайёр бўлганидан кейин ўзи қўнғироқ қилишини айтди.

Айтилган вақтда етиб келган Содиқ чегара тўсиқлари тагидан сумкаларни узатиб берди ва уларни Бекобод шаҳридаги «Қизил кўприк» олдида кутиб турадиган бир аёлга олиб бориб беришни тайинлади. Одилжон эндигина юкни машинага жойлаётган эдики, олдида икки нафар чегарачи аскарлар пайдо бўлишди. Чегара ҳудудида бундай залворли сумкаларни кўтариб олган шахс уларнинг эътиборини тортгани табиий, албатта. Ноилож қолган ҳайдовчи ўзини таништириб, ҳужжатларини, сумкалар ичидагиларни кўрсатди. Шуниси қизиқки, Тожикистонда ишлаб чиқарилган 30 шиша «Пшеничная», 40 шиша «Градус-SS» арақлари сумкалардан чиқарилгандан кейин ҳам бўшаган сумкалар ончалик енгиллامагандек эди. Сабаби тезда аён бўлди.

Юзаки назар ташлаганда, гўёки шишалар синмаслиги учун тагига қалин мато қўйиб тикилган сумкаларда аслида бошқа «сир» яширинган экан. Бу ердаги махсус ҳуфия жойдан 4 ўрамда, жами оғирлиги 3 кг 754 грамм бўлган героин гиёҳвандлик воситаси топилди. Ҳарбийлар юк кимга қарашли эканини сўрашганда атрофга аланглаган Одилжон Содиқни учратмади. Чунки чегарачиларнинг таксичи билан «суҳбати» чўзилиб кетганидан хавотирга тушган Тожикистон фуқароси аллақачон жуфтакни ростлаган, ишнинг пачаваси чиққани ҳақида йўл-йўлакай ўз шерикларини ҳам огоҳлантириб борарди. Героинни сабрсизлик билан кутаётган бекободлик Ҳусан Олимов ўз навбатида ишнинг барбод бўлгани ҳақида кўприк олдида «юк»ни кутиб турган аёлни огоҳлантириб қўйди ва у яширинишга улгурди...

Чегара ҳудудида фош этилган бу жиноятнинг илдизлари бошқа ёқларга ҳам кетгани шундоққина кўриниб турарди. Шу сабаб гиёҳвандлик воситалари контрабандаси билан боғлиқ бу иш суриштируви билан МХХ Тошкент вилояти бошқармаси ва вилоят ички ишлар бошқармасининг оператив ходимлари шуғуллана бошладилар. Тезкор-қидирув тадбирлари, суриштирув ишлари жадал давом эттирилди. Барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилгани натижасида номаълум жиноий тўда томонидан хорижий давлатга катта миқдорда героин моддаси чиқарилиши режалаштирилаётгани ҳақида маълумот олинди. Шитоб билан олиб борилган текширув тадбирлари давомида бу иш билан кимлар шуғулланаётгани, гиёҳвандлик воситасини қачон, қайси йўл билан олиб чиқишга қарор қилингани ҳақида қўшимча маълумотлар тўпланди. Ва ниҳоят тинимсиз қидирув, суриштирувларнинг натижаси аён бўладиган кун ҳам етиб келди.

2007 йилнинг 14 ноябрь оқшомида Тошкент шаҳрига кираверишдаги «Бектемир» ЙПХ масканида тўхтатилган «Нексия» автомашинасидаги йўловчилар буни одатдаги текширув сифатида қабул қилиб, пинак бузмай ўтиришарди. Лекин текширувчилар юкхонадаги сафар сумкаларига жойланган ашёларни кўрсатишни илтимос қилишган тобда ҳайдовчи Баҳром Бердиқулов билан Бахтиёр Эшонқуловларнинг ранги ўчиб кетди. Сабаби, сумкаларга нима яширилгани уларга аён эди...

Шу куни «Тошкент — Екатеринбург» йўналишида парвоз қилувчи самолётга чиқиши керак бўлган икки йўловчи Тошкентда қолиб кетди. Уларнинг чипталари эса далилий ашёлар сифатида жиноят иши материалларига қўшилди. Чунки йўловчилардан бири Бахтиёр Эшонқулов сафарга чиқишдан аввалроқ оғуфурушлардан иборат жиноий гуруҳ тузоғига илинган эди. Унинг Россияга бориб ишлаб келиш режасидан воқиф бўлган таниши Мансур Бегалиев Бахтиёрга самолёт чиптаси учун пул бериб туришини ваъда қилди. Ҳатто биронта танишини ҳамроҳ қилиб олишига ҳам рози бўлди. Бахтиёр таниши Артур Яхудинни ўзи билан бирга олиб кетишни мўлжаллади ва бу режага оғайнисини кўндирди. Дарров ўзи ва Артурнинг паспортларини чипта сотиб олиш учун Мансурнинг юкларига тутказди. Мансурнинг шубҳали ҳожатбарорлиги сабаби эса кейинроқ очилди.

«Тошкент — Екатеринбург» йўналишидаги самолётга иккита чипта харид қилинганидан кейин гап орасида Мансур Бахтиёрга «атиги» 300 грамм героинни ўзлари билан Россияга олиб кетишлари зарурлигини қистириб ўтган ҳам эдики, у бундан норози бўлиб, сафардан воз кечишини айтади. Лекин Мансур «россиячи»нинг авзойи бундай ўзгариб қолишига тайёр турган эди. У иккита авиачипта учун нақд 950 минг сўм сарфлаб қўйганини пеш қилиб, зарарни қоплашни талаб қилди. Ноилож қолган Б.Эшонқулов хатарли сафарга рози бўлди. Шундан кейин Мансур унга ўзлари героинни яширинча самолётга олиб чиқиб беришлари, Екатеринбургда уларни керакли одамлар кутиб олишини айтиб, хавотир олмасликка чақирди. Аслида эса бу гаплар ёлғон бўлиб, Эшонқуловнинг кўнглини тинчлантириш учунгина айтилган эди.

14 ноябрь куни Б.Эшонқулов билан бозорда учрашган М.Бегалиев унга кечки пайт «Зарур иши чиқиб қолгани» боис уларни кузатишга аэропортга чиқа олмаслиги, бу ишни ишончли кишиларга тайинлаб қўйганини айтди. Аслини олганда гиёҳвандлик воситаларини катта миқдорда контрабанда қилиш нақадар хатарли ва қалтис жиноят эканлигини у яхши билар, шу сабабли ўзини эҳтиёт қилиб, «операция»ни бир четдан туриб назорат қилишни маъқул кўрган эди. Оғуфурушлардан яна бири Ҳ.Олимов ҳам ана шу усулни қўллади. У таксичи Б.Бердиқуловни «Тошкент» аэропортига йўловчи олиб бориш учун 50 минг сўмга ёллаб, унинг қўлига «россиячи»ларнинг юкларини тайёрлаб берадиган аёлга элтиш учун 1000 Россия рубли ва 65 минг сўмни тутқазди. Ҳ.Олимовнинг бу эҳтиёткорлиги бежиз эмасди. Таксичи О.Жўраевдан чегарачилар мусодара қилган героин унга тегишли бўлиб, мўмай фойда келтириб турган бизнес хавф остида қолаётганидан хавотирга тушиб қолган эди. Шу сабаб таксичи Б.Бердиқуловга барча керакли йўл-йўриқларни бердида, иши борлигини баҳона қилиб аэропортга чиқмаслигини айтди.

Б.Эшонқуловнинг шериги А.Яхудин эса бу гаплардан умуман бехабар эди. Агар Мансур айтмаганда бу фитнадан Б.Эшонқулов ҳам хабар топмас эди. Чунки уларни Россияга кузатаётган «ҳожатбарорлар» ҳатто йўл сумкаларини ҳам ўзлари сотиб олган, уларга иккала йўловчининг кийим-кечакларини ҳам ўз қўллари билан жойлаб қўйишган эди. Қолаверса, «атиги 300 грамм» дейилган героин аслида 3 кг 968 грамм эди. Б.Эшонқулов ва А.Яхудин учун қўшқаватли сумкаларни тайёрлаб, ҳатто уларнинг буюмларини жойлаб қўйган аёл ҳам, кўприкда «юк»ни кутиб, кейин тўсатдан ғойиб бўлган аёл ҳам бир шахс эканлиги аниқланди.

Кейинроқ МХХ Тошкент вилояти бошқармаси томонидан қўзғатилган жиноят иши бўйича ўтказилган тергов жараёнида Бекобод шаҳрида яшовчи Дилором Холматова таниши Ҳ.Олимовнинг қистови билан Тожикистондан яширинча келтириладиган «сирли» сумкаларни қабул қилиб олиб, кейинроқ уларни хорижга хуфёна жўнатиш билан шуғулланганини тан олди. Судда қилмишидан пушаймон эканлигини билдириб, кўз ёши қилган бу аёл енгилроқ жазо тайинланишини сўради. Аслини олганда эса, Д.Холматова ўша кўприк ёнида турганида Ҳ.Олимов унинг уяли телефонига қўнғироқ қилиб, «Уйингизга кетаверинг, ўзим қўнғироқ қиламан, бу сим-картангизни бошқа ишлатманг» деб тайинлаганида қандай хатарли ишга аралашганини англаб, эсини йиғиб олиши керак эди. Орадан 20 кун ҳам ўтмай яна такрор жиноятга қўл уриб турган бу аёлнинг чиндан ҳам пушаймонлигига ишонса бўлармикан?..

Ўтказилган тадбирлар жараёнида жиноий гуруҳнинг кўпчилик аъзолари қўлга олиниб, жиноий жавобгарликка тортилди. Йирик миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини республикамизга олиб келиш ва хорижий мамлакатларга контрабанда қилиш жиноятига алоқадорликда гумон қилинаётган фуқаролар Ҳусан Олимов, Мансур Бегалиевларга нисбатан қидирув эълон қилинди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди қўшни мамлакатдан олиб ўтилган гиёҳвандлик воситаларини хорижга ўтказиш билан машғул бўлган жиноий гуруҳ аъзоларининг қилмишини атрофлича ўрганиб чиқди. Суд ҳукми билан жиноят қуролига айланиб қолган «ВАЗ-21011», «Нексия» автомашиналари, 4 та «Нокия» уяли телефони, 1000 Россия рубли мусодара этилиб, айбдорлар Д.Холматова 13 йил, О.Жўраев 11 йил, Б.Эшонқулов 12 йил, Б.Бердиқулов 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Қора ниятию қилмишлари сабаб жиноятқор кимсалар суднинг «қора» курсисида ер чизиб қолишди.

К.ҚОДИРОВ

Спорт

МУРОД — иккинчи босқичда

Эрон пойтахти Теҳрон шаҳрида Халқаро теннис федерацияси (ITF) томонидан эркаклар ўртасида ўтказилаётган "Фьючерс" халқаро турнирида ҳамюртимиз Мурод Иноятов юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

Моҳир теннисчимиз биринчи учрашувда Туркиядан келган Эргун Зўрлу билан куч синашди. Ўзбекистонлик ракетка устаси устунлигида ўтган беллашув ғолиби муддатидан олдин аниқланди. Биринчи сетда 3:5 ҳисобида имкониятни бой бераётган Эргун Зўрлу беллашувни давом эттиролмаслигини билдирди.

Жуфтликлар ўртасидаги беллашувларда ҳиндистонлик Роҳан Гажжар билан ҳамкорликда биринчи рақамли дуэтни ташкил қилган М.Иноятов дастлабки ўйинда Рахил Махаря (Ҳиндистон) ҳамда Киран Мур (Жанубий Африка Республикаси) жуфтлигини 6:3, 6:1 ҳисобида доғда қолдирди.

«Фьючерс» турнири ғолиб ва совриндорлари 29 июнь куни аниқланади.

Теннисчиларимиз муваффақияти

Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида теннис бўйича хотин-қизлар ўртасида давом этаётган халқаро турнирда ўзбекистонлик ракетка усталари муваффақиятли иштирок этмоқда.

Яккаликлар ўртасидаги биринчи босқич беллашувларида ҳамюртларимиздан уч нафари дастлабки учрашувни ўз фойдасига ҳал қилди. Турнирда иккинчи рақамда сараланган қатор халқаро мусобақалар ғолибаси — Альбина Хабибулина биринчи беллашувни яна бир умидли теннисчимиз Дарья Туаевага қарши ўтказиб, 6:1, 6:0 ҳисобида зафар қучди.

Мезбонлар вакиласи Асила Аргинбоева билан куч синашган Алиса Огородова беллашувни 6:3, 6:2 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди.

Қозоғистонлик Комила Рафқат ҳам ёш теннисчимиз Каролина Черная билан ўтказилган баҳсда ўзбекистонлик спортчининг устунлигини тан олишга мажбур бўлди. 6:7, 6:3, 6:1 ҳисобида ғолиб чиққан К.Черная мусобақани давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ўзбекистонлик теннисчилардан яна тўрт нафари – Нигина Раҳмонова, Шаҳзода Ҳотамова, Дилёра Саидхўжаева ҳамда Шаҳноза Қориева ҳам биринчи босқич беллашувларида қатнашади.

Халқаро турнир ғолиб ва совриндорлари 29 июнь куни аниқланади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

ПОЙТАХТНИНГ ҚАДИМИЙ ДАҲАЛАРИ

Кўкча — Тошкент шаҳрининг ғарбий қисмида, ҳозирги Шайхонтоҳур тумани ҳудудида жойлашган қадимий даҳа. Унинг чегараси шарқдан Сағбон кўчаси, жанубий-шарқ томондан Бўзсув бўйлаб, яъни ҳозирги Уйғур ва Самарқанд дарвозаси кўчалари орқали ўтган. Кўкча даҳаси Бешёғоч, Себзор ва Шайхонтоҳур даҳалари билан чегарадош.

Даҳа ҳудудидаги ерлар нотекис бўлиб, жарликлардан иборат. Қадимда бу ерларда боғ-роғ ва экинзорлар бўлган. Дала ҳовлилар, чорбоғлар эса Назарбек, Кўксарой мавзеларида, Келес дарёси бўйларида жойлашган. Тарихий ҳужжатларда келтирилган маълумотларга кўра, XIX асрнинг 70-йилларида даҳадаги 31 та маҳаллада 2511 та хонадон бўлиб, уларда 20 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилган. Бу ердаги турар-жой ва бошқа бинолар асосан пахса, лой гуваладан, бадавлат кишиларнинг уйлари эса пишиқ ғишт ва синчдан қурилган. Шу йилларда даҳада 3 та мадраса, 51 та масжид ва 34 та мактаб фаолият кўрсатган. 695 та тери корхонаси, 22 та мойжувоз, 5 та обжувоз, 24 та тегирмон, 218 та этикдўзлик-маҳсидўзлик, 7 та кулолчилик, 77 та тўқувчилик ва бўёқчилик, 59 та темирчилик устахонаси ишлаб турган.

Маҳаллалар аҳолисининг асосий машғулоти — касб-кори, ҳунаридан келиб чиқиб, Кўнчилик, Ковушфурушлик, Мисгарлик, Пичоқчилик, Чархчилик, Сандиқсозлик, Кулолчилик, Заргарлик, Дурадгорлик ва бошқа номлар билан аталган. Бу ердаги дўконларнинг аксарияти бир вақтнинг ўзида ҳам дўкон, ҳам устахона вазифасини бажарган. Корхона-устахоналарда эса маҳсулотлар тайёрланиб, бозорларга чиқариб сотилган.

Кўнчилик — даҳадаги энг ривожланган соҳа бўлиб, 600 дан зиёд кўнчилик устахонаси, 40 дан зиёд тайёр маҳсулотларни сотадиган расталар фаолият кўрсатган. Жарариқ ёнида жойлашган бу устахоналарда қорамол, қўй, эчки, туя ва бошқа ҳайвонларнинг терилари қайта ишланиб, пўстин, пойабзал, меш, эгар, қайиш ва бошқа буюмлар тайёрланган.

Даҳа аҳолисининг бир қисми деҳқончилик, чорвачилик ва боғдорчилик билан шуғулланган. Тарихий ҳужжатларда кўкчалик Ибодбек исмли шахснинг 12 десатина майдондаги боғида 86 туп қайрағоч, 70 туп тол, 450 туп терак ва 78 туп тут дарахти бўлгани қайд этилган. Бу дарахтларнинг ёғочлари қурилишда устун, эшик ва бошқа ашёлар сифатида ишлатилган. Бундан ташқари, бешик, тўқув дастгоҳлари, эгар, арава, тароқ, сандиқ, хонтахта ва бошқа рўзғор буюмлари тайёрлашда ҳам фойдаланилган.

XIX асрнинг 80-90-йилларига келиб даҳа ҳудудида пахта тозалаш ва тайёрлаш, ғишт ишлаб чиқариш заводлари ва бошқа кўплаб йирик корхоналар ишга туширила бошланди.

Себзор пойтахтнинг ер майдони жиҳатидан энг кичик даҳаси бўлиб, қадимда Ҳазрат Имом Каффол Шоший даҳаси деб ҳам юритилган. Шаҳарнинг шимолий қисмида жойлашган даҳа чегараси ғарбдан Сағбон ва Қорасарой кўчалари оралиғидан, яъни ҳозирги Зарқайнар кўчасининг ғарбидан, жануб томондан эса Жангоб ариғи бўйлаб ўтган. Ҳудуднинг шимолий-шарқий қисмини боғлар ва экинзорлар эгаллаган. Пойтахтнинг энг йирик мол бозори ҳам Себзор даҳасида жойлашган. Ҳар йили бу ерга атрофдаги шаҳар ва қишлоқлардан, айниқса, Сурхондарё, Қашқадарё, Сирдарё вилоятларидан, қўшни Қозоғистон Республикасидан юз минглаб қўйлар сотиш учун олиб келинган. Архив ҳужжатларида 1874 йили Тошкент ярмаркасида сотиш учун 150 минг бош қўй олиб келингани қайд этилган.

XIX асрнинг 70-йилларида даҳадаги 38 та маҳаллада 18650 нафар аҳоли истиқомат қилган. 3 та мадраса, 78 та масжид фаолият кўрсатган. Шаҳарнинг Лабзак, Тахтапул, Қорасарой сингари тарихий дарвозалари, машҳур Эски Жўва бозори ҳам шу ерда жойлашган. Даҳа аҳолисининг асосий қисми этикдўзлик, бўзчилик, бўёқчилик, дўппидўзлик, чопондўзлик, сандиқчилик, дурадгорлик билан шуғулланган. Маълум қисми эса боғдорчилик, деҳқончилик ва чорвачилик билан банд бўлган. Себзорлик боғбонлар етиштирган олмалар Туркистонда ва Петербургда ташкил этилган боғдорчилик кўргазмаларида намойиш этилиб, юксак баҳоланган, кумуш ва олтин нишонлар билан тақдирланган.

Истиқлол йилларида Себзор ва Кўкча даҳаларида улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари олиб борилди. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги арафасида бу ишларнинг кўлами янада ортиши кутилмоқда.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ



Тошкент вилояти

Ўзбек халқи азалдан болажон халқ. Болалар эса ҳаётимиз қувончи. Уларга меҳр-мурувват кўрсатиш ва асраб-авайлаб вояга етказиш бурчимиз. Ҳозирги кунда болаларни ҳимоя қилишга қаратилган кўпгина дастур-низомлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларга мувофиқ ногирон туғилган болалар учун ҳам давлат тасарруфидаги махсус таълим-тарбия муассасалари фаолият кўрсатмоқда.

Оққўрғон тумани марказида жойлашган 1-мактабгача таълим муассасаси ана шундай тарбия масканларидан бири бўлиб, бу ерда тарбия олаётган болалар 9 та гуруҳга ажратилган. Гуруҳларнинг 5 таси тилида нуқсони бўлган болалар гуруҳи, яъни логопед гуруҳ ҳисобланади. Боғчада жами 250 нафар бола тарбияланиб, улар билан 54 та ходим тарбия ишларини олиб борадилар.

Бу ерда болалар учун етарли шарт-шароитлар ҳам яратиб берилган. Ҳар куни улар 4 маҳал иссиқ овқат билан таъминланади.

Болажонларга кўрсатилаётган ғамхўрликдан ва мураббийликдан қанчалик мамнунлигини уларнинг чақнаб турган кўзлари ифодасидан ҳам кўриш мумкин.

Ҳ.АВВАЛОВ олган сурат.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЎБИРИ

КЎЙ (21.03-21.04)

Кутилаётган ҳафтада юз бериши мумкин бўлган кескин вазиятлардан устомонлик билан чиқиб кетишга ҳаракат қилинг. Яхшиси, актёрлик қобилиятингизни ишга солинг.

СИГИР(22.04-20.05)

Бир пайтлар сизни қаттиқ ҳафа қилган, дилингизни оғритган инсон остонангизга бош уриб келиши мумкин. Кечиримли бўлинг, бағрикенглигингиз туфайли у сизга бир умр дўст бўлиб қолади.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)

Олдингизга қўйган улкан мақсадларингизга эришиш учун журъатингиз етишмаяптими? Саъй-ҳаракат бошлаш учун келаётган ҳафта жуда қулай. Имкониятдан фойдаланиб қолинг.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)

Мазкур бурж вакиллари учун ҳафта анча омадли келади. Кутилмаган учрашувлар, бахтли тасодифлар рўй беради. Айрим зиддиятли ҳолатларга эътибор бермасангиз бас, руҳингиз енгил бўлади.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Ҳафта сўнгида яқинларингиз билан муносабатларингиз таранглашиши мумкин. Бундай ҳолатларда жаҳлга эрк бермасликка урининг. Вазмин ва самимий бўлишга ҳаракат қилинг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Асабингиз толиққани кутилмаган вазиятларда сизга панд бериб қўйиши мумкин. Шу боис, ҳордиқ чиқариб, соғлиғингизга эътиборлироқ бўлишга урининг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Эҳтиёткорлик сизни катта-кичик кўнгилсизликлардан асраб қолиши мумкин. Ўзгалар билан сўзлашганда тилингизга эрк бермаганингиз маъқул. Ҳафта сўнгидаги қувончли хабардан бошингиз кўкка етади.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Ҳаёт гўзал, яшаш завқли эканига ўзингизни ишонтиринг. Шунда кайфиятингиз аъло бўлиб, бошлаган ҳар қандай ишингиз бароридан келади. Олдингизга улуғ мақсадлар қўйишга одатланинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Бирор ишни бошлашдан олдин яхшилаб ўйлаб кўринг. Натижаси ижобий бўлишига шубҳа пайдо бўлса, унга қўл урмаганингиз маъқул. Иш фаолиятингиз билан боғлиқ таклифлар бўлиши кутилмоқда.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Сиз омадлисиз, ҳар қандай мушкул вазифаларни ҳал этишга қодирсиз. Ишонмайсизми? Бунга ҳафта давомида ўзингиз амин бўласиз. Шу ҳафтада қўшимча моддий даромадга ҳам эга бўлишингиз мумкин.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Айрим ҳолларда ишонувчанлигингиз ва самимийлигингиз туфайли азият чекишингиз мумкин. Лекин унутманг, шу фазилатларингиз бошқаларда яхши таассурот қолдиради. Самимий ва эҳтиёткор бўлишга интилинг.

БАЛИК (19.02-20.03)

Мазкур бурж вакиллари учун ҳафта зиддиятли кечади. Ишхонангиздаги дилхираликларни оилангиздаги қувончли воқеалар "ювиб" кетади. Кўпроқ яқинларингиз ва дўстларингиз билан бирга бўлишга ҳаракат қилинг.

Фаолиятдаги фаоллик

Андижон вилояти

ҚИНҒИР ИШ ФОШ БЎЛАДИ

...Машина Тошкент шаҳри Учтепа тумани ички ишлар бошқармаси биносига яқинлашар экан йўловчи:

— Ака, шу ерда тўхтатиб юборасизми? Ичкарида ишим бор эди, тезда қайтиб чиқаман, — деди. Илтимос оҳангида айтилган гапдан ҳайдовчининг юрагига ғулғула тушди, йўловчига ғалати қараб қўйди. Машинани тўхтатар экан, «Бу ерда бир гап борга ўхшайди. Тушираману, кетворамман», деган ўй ўтди хаёлидан. Қудратилло эса узун ташланган арқонни тортиш фурсати етганини тушунтириб қўйиш учун уни ҳақиқий исми билан чақирди. Шунда йўловчининг аслида ким эканини англаган ҳайдовчи машинадан тушиб, жуфтакни ростлаб қолмоқчи бўлди. Бироқ тезкор вакилнинг бақувват қўллари жиноятчининг билагига кишан солишга улгурди...

Ички ишлар бошқармасига диний-экстремистик оқим аъзоси бўлган ва узоқ пайтдан буён тутқич бермай қочиб юрган хавфли жиноятчининг пойтахтда яшаётгани ҳақидаги хабар келиб тушди. Уни қўлга олиш бўйича муҳим топшириқ тезкор вакил Қудратилло Раҳмоновга топширилди. Зудлик билан Тошкент шаҳрига етиб келган Қудратилло керакли маълумотларни тўплади. Аниқланишича, жиноятчи исми шарифини ўзгартириб олган ва ҳатто оила қуришга ҳам улгурган экан. Хотинининг қариндошига тегишли «Тико» русумли автомашинани ижарага олиб, киракашлик билан шуғулланаётган экан.

Қудратилла Раҳмонов ИИВ Академиясини тугатгач, Асака шаҳар ички ишлар бошқармасида тезкор вакил вазифасида иш бошлади. Касбига садоқати, ишга масъулиятли ёндашиши билан тез орада ҳамкасбларининг ҳурмат-эътиборини қозонди. Ўтган йили қидирувда бўлган 40 нафар шахсдан 23 нафари унинг саъй-ҳаракатлари туфайли қўлга олинди.

Асака шаҳридаги «Дўстлик» кинотеатрида ўғирлик содир бўлди. Номаълум шахс ярим тунда дераза ойнасини синдириб, ичкарига кирган ва қиймати 300 минг сўмлик бўлган телевизор ҳамда видеомагнитофонни ўмариб кетган эди. Воқеа жойида ҳеч қандай из қолдирилмагани ўғирлик анча «тажрибали» жиноятчи томонидан амалга оширилганини кўрсатиб турарди. Шу боис Қудратилло ишни илгари ўғирлик жиноятини содир этган шахсларни ўрганишдан бошлади. Суриштирув ишлари натижасида ўғирлик Ҳамид исмли шахс томонидан содир этилган, деган тахминга келди. Афсуски, уни истиқомат қиладиган манзилидан топишнинг иложи бўлмади. Қуниқўшнилар Ҳамиднинг икки-уч кундан буён уйга келмаётганини, қишлоқда қандайдир қариндоши яшашини, ўша ерга кетган бўлиши мумкинлигини айтишди. Ишни хамирдан қил суғургандай бажардим, ҳеч ким билмади, деб хомтама бўлган Ҳамид ҳақиқатан ҳам қариндошиникида дам олиб ётган экан...

— Қудратилло сингари ёшларимизнинг фаоллиги туфайли содир этилаётган жиноятларни ўз вақтида очишга эришяпмиз, — дейди Асака шаҳар ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник Ойбек Раҳимов. — Бунда, албатта, ўзини ўзи бошқариш органлари билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйганимиз ҳам катта ёрдам бермоқда. Шаҳримиздаги бешта милиция таянч пунктида хизмат қилаётган профилактика инспекторлари 18 та маҳалла фуқаролар йиғини билан яқиндан ҳамкорлик қилишади. Ҳамкорлигимиз «Ёшлар йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларда ҳам яхши самара бермоқда. Хусусан, ходимларимиз маҳалла фаолларига ўрта-махсус билим юртини тугатган ёшларни иш билан таъминлаш ва 9-синф битирувчиларини коллеж ва лицейларга жойлаштириш бўйича амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Донолларнинг дурдона фикрлари

Такаббурликни бошдин ошириб ташла, тавозега қаттиқ амал қил, унга ўзингни яқинлаштир. Кимда ким ман-ман деб, ўзини юқори қўйса, уни на халқ, на тангри ёқтиради.

Аҳмад ЮГНАКИЙ

Қадр-қимматини билган одам бошқаларнинг ўзидан кўра ақллироқ, илмлироқ ва гўзалроқ бўлишидан чўчимайди. У аслида бошқалардан устунроқ бўлса ҳам, ҳеч қачон ўзини юқори тутмайди.

Рене ДЕКАРТ

Тан касалининг асоси — кўп емакдир, қалб касалининг сабаби — кўп демакдир. Кўп демак — сўзга мағрурлик, кўп емоқ — нафсга бандаликдир. Одам учун бу сифатлар кераксиз ва барчаси худпарастликка оиддир.

Алишер НАВОИЙ

Тўқилмаган ҳангома

ТИЛНИНГ «ДАВОСИ» БОРМИ?

(Ҳажвия)

Эрта-саҳардан Анзиратнинг чакаги очилди. Туни билан навбатчиликда туриб, мижжа қоқмаган эри унинг дийдиёсидан безор бўлиб, бошини кўрпага буркаб олди. Бўлмади. Хотининнинг қўнғироқдай овози кўрпани ҳам «назар-писанд» қилмасди. Абдурашид ортиқ тоқат қилолмади:

— Тинч қўясанми, йўқми? — зарда қилди у. — Пича дам олволай, кейин ҳар қанча «топшириғинг» бўлса, бажараман.

— Сиз-а?! — баттар авжга минди Анзират. — Сизга иш бўлса, бўлди. Оила, хотин, бола-чақа деганлари иккинчи даражали. Кеча айтувдим бозор қилиб беринг, деб. Вақтим йўқ, дедингиз. Энди дам оламан, дейсиз...

— Бозорни фақат мен қилишим керакми? Бир эмас, иккита девдай-девдай ўғлинг бор. Айт, бориб келишади.

— Эй, уларга бозор қилдириб, барака топиб бўлармиди? Ўтган сафар Аҳмадни гўштга жўнатсам, чандир олиб келибди, кечгача қайнатсам ҳам юмшамади. Фалон пулга олган олти кило картошкасининг ярми пўчоққа чиқиб кетди.

— Бир марта адашади, икки марта адашади... Аста-секин билиб олади-да! Ҳадемай бошига рўзғор ташвиши тушади, ўргансин.

Тепангда биров булбулигўёдай сайраб турса, кўзга уйқу келармиди? Абдурашид эринибгина ўрнидан турди...

У халта тўла бозорлик билан уйга қайтганда Анзират ҳовлида жағини ушлаганча «вой-вой»лаб юрган экан. Анчадан буён азоблаб келаётган тиш оғриғи яна бошланибди.

— Қачонгача шунақа қилиб юрасан. На ўзинг тинчийсан, на ўзгаларга тинчлик берасан. Тайёрлан, дўхтирга борамиз...

Докторнинг дарагини эшитган Анзиратнинг лабига учуқ тошди. Ўламан саттор, ҳеч қаерга бормайман, деб оёқ тираб туриб олди. Бироқ кечки томон тиш оғриғи яна зўрайди, туни билан мижжа қоқмай, юриб чиқди. Абдурашид эрталаб хотинини қўярда-қўймай стоматолог ҳузурига олиб борди. Кўз очиб юмгунча ҳам чириган тишдан, ҳам оғриқдан халос бўлган Анзиратнинг чеҳраси ёришиб қолди.

— Раҳмат, дўхтир, катта раҳмат. Хотинимни азобдан, мени ташвишдан қутқардингиз. Хўп десангиз, яна бир хизмат бор эди. Қанча десангиз ҳам ҳақини тўлайман, — деди Абдурашид қувлик билан хотини томонга ишора қилиб. — Шуни... тилиниям суғуриб олса бўлармикан? Нима дейсиз?

Доктор ажабланиб бир Абдурашидга, бир Анзиратга қаради. Анзиратнинг ранги қув ўчиб, шартта ўрнидан турди. Эрига ёмон ўқрайди:

— Ҳе, ҳазилингиз қурсин...

Мирзадавлат ЮНУСОВ

Б.КАЛОНОВ чизган расм.

Утерянный план дома расположенный по адресу Чиланзарский р-н 26 квартал 30 дом 31 квартира выданный Бабаев Эркин Аблакулович считать не недействительным.

Утерянный план квартиры по адресу: г.Ташкент Мирабадский р-н ул.Катта Мирабад дом 25 кв 16 на имя Садыков Умарджон Шавкатович считать недействительным.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан, шикоят мактубларидан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Навбатчи муҳаррир: Ҳамза Абдуллаев
Мусаҳҳиҳ: Шаҳноза Эргашева
Саҳифаловчи: Фаррух Расулов

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Котибият — 236-55-69
Хатлар бўлими: 236-57-62

2008 йил 25 июнь
26 (628)

17190 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-520 Топширилди — 22.30
1 2 3 4 6